

**ЎҚУВЧИЛАРИДА АХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
ШАКЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА СИНФДАН ТАШҚАРИ
МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ**

Хўжамбердиева Дилфуз

Сурхондарё вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш
миллий маркази, “Аниқ ва табиий фанлар методикаси”
кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактабларида синфдан ташқари машғулотларнинг ўрни, унинг турлари, синфдан ташқари ишлар ўқувчиларда ижтимоий фаоллик, ижтимоий онг ва ахлоқий одатларни таркиб топтиришнинг энг муҳим омили эканлиги, синфдан ташқари ишлар ўқувчилар билан дарсдан ташқари вақтда олиб борилиши, хилма-хил машғулотларни ўқитувчи ёрдамида ташкил эти лиши ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: синфдан ташқари машғулот, индивидуал ишлаш, компетентлик, тўгатак, ўқитиши, таълим-тарбия.

**THE ROLE OF EXTRACURRICULAR ACTIVITIES IN THE PROCESS OF
FORMING INFORMATION COMPETENCE IN THEIR STUDENTS**

ABSTRACT

During the conversation, the parties expressed satisfaction with the development of cooperation between Tajikistan and China, as well as the development of cooperation between Tajikistan and China. During the conversation, the sides expressed satisfaction with the development of cooperation between Tajikistan and China.

Keywords: extracurricular activity, individual performance, competence, training, education and training.

Замонавий таълим билим олишга нисбатан янгича ёндашувни қарор топтиришни тақозо этмоқда. Анъянавий таълимда ўқитувчи тайёр билимларни узатиш ролини бажариб, ўқув–билиш фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш вазифасини бажарган. Бугунги кунда унинг зиммасига ўқитувчини ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув–лойиҳавий ва ўқув–тадқиқот фаолиятларини ташкил этишга йўналтириш вазифалари қўйилмоқда. Бинобарин, ўқувчиларнинг ахборотни излаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, улардан амалиётда фойдаланиш каби ҳолатларни ахборотлар билан ишлаш компетентлигига, ўқув топшириқлари бўйича бир неча ечимларни илгари суриш, улар орасидан оптималь ечимни аниқлаш, асослаш, ўз фикрларини химоя қилишдан иборат бўлган компетентликка эга бўлишларини таъминлаш давр талаби саналади. Ўқувчиларнинг ахборот билан ишлаш компетентлигига эга бўлишларини таъминлаш учун эса, умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларида ҳам туркум касбий компетентлик сифатлари, хусусан, ахборотлар билан ишлаш компетентлиги мавжуд бўлиши зарур. Шу сабабли умумтаълим мактабларининг ўқувчиларида ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш долзарб вазифа саналади.

Жамиятимизга муносиб бўлган келажак эгаларини тарбиялашда мактабларда берадиган таълим ва тарбиянинг аҳамияти каттадир. Бу эса ўқитувчилар зиммасига масъулиятли вазифани юклатди. Давлат таълим стандарти ва мллий ўқув дастури ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра ўқувчиларда илмий фикр юритиш, миллий тадқиқотлар, изланишлар билан мантиқий фикрлай олиш қобилиятини, ақлий ривожлантиришни, уларда миллий умуминсоний қадриятларни таркиб топиш ҳамда ижтимоий ҳаётлари ва таълим олиш учун зарур бўлган билимлар бериш айтиб ўтилган.

Умумтаълим мактабларида ўқитиш, таълим тарбия ишлари сифатини яхшилаш, жумладан, фанлар бўйича дарсда олинган билимларини мустаҳкамлаш, кўп жихатдан, синфдан ташқари машғулотларга боғлиқдир. Фанларни ўқитишида синфдан ташқари иш дейилганда ўқувчиларнинг билимларини кенгайтиришда ташкил этилган дарсдан ташқари, қатнашиш ихтиёрий бўлган машғулотларини, яъни фан дастурини ўрганиш мажбурий бўлган қисмига киритилмаган назарий машғулотларини, амалий ишларни ўрганиш ва дастур материалини яна ҳам чуқурроқ ўрганиш мақсадида ўтказиладиган машғулотларни тушунилади.

СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР — умумий ўрта таълим мактаби ўқув тарбиявий ишининг таркибий қисми, ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этиш шаклларидан бири. Синфдан ташқари ишлар ўқувчиларни баркамол шахс сифатида шакллантириш ва уларни ҳаётга тайёрлашда кенг имкониятлар яратади. Синфдан ташқари ишларга ўқувчилар билан ўтказиладиган ва уларга тарбия ҳамда билим беришга қаратилган турли хил машғулотлар тизими киради. Бундай машғулотлар педагогик жамоа, синф раҳбари, ёшлар ташкилотлари раҳбарлиги ва болаларнинг ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари томонидан дарсдан ташқари вақтда ташкил этилади. Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишларни ташкил этишда ўқувчилар саройлари, ёш техниклар, ёш габиатшунослар, ёш сайёхлар клуби ва мактабдан ташқари бошқа муассасалар катта ёрдам беради. Синфдан ташқари ишларнинг асосий шакллари сифатида оммавий ишлар (мактаб тадбирлари, кеча, мунозара ва танловлар ўтказиш, викторина ва кўргазмалар уюштириш), тўгарак ишлари, мустақил ишлар (ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқиши, коллекция тўплаши, техника, мусиқа, тасвирий санъат, чизмачилик билан мустақил шуғулланиши)ни кўрсатиш мумкин.

Синфдан ташқари ишларнинг тарбиявий таъсири кўп даражада ўқув жараёнини ташкил этиш савиясига ҳамда ўқувчилар жамоасининг хилма-хил ишларини қандай ташкил этишига боғлиқдир. Синфдан ташқари фаолият

мажбурий дастур билан чегараланмайдиб ўқувчиларни ихтиёрий равишда бирлаштиради. Уларнинг ташаббуси асосида ишларни амалга оширади, фанга қизиқтиради, уларни ҳаёт муҳитига олиб киришга тайёрлайди.

Синфдан ташқари ишлар ўқувчиларда ижтимоий фаоллик, ижтимоий онг ва ахлоқий одатларни таркиб топтиришнинг энг муҳим омилидир. Синфдан ташқари ишлар ўқувчилар билан дарсдан ташқари вақтда олиб бориладиган хилма-хил машғулотларни ўқитувчи ёрдамида ташкил этилади. Синфдан ташқари ишлар мазмунига кўра уч хилдир: **оммавий, тўгарак, индивидуал** кўринишда бўлади.

Оммавий кўринишдаги формаларга: турли эрталиклар, мактабда ўтказиладиган турли мавзуга оид кечалар, болалар кечалари, кўрик танловлар, болалар ишларининг кўргазмалари ва бошқалар.

Тўгарак кўринишдаги формаларга: турли фанларга оид бўлган тўгараклар, улар ўз иш куни ва ўқув соатига эга. Тўгарак қатъий тартиб асосида амалга оширилади. Тўгаракдаги топшириқлар батартиб бажарилиши лозим.

Индивидуал кўринишдаги формаларга: Бу формада ўқувчининг қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Бу ишда синфдан ташқари ўқиш катта аҳамиятга эга. Ҳар бир синф учун маҳсус дастур бўлади, унда ўқувчи нимани ўқиши, нимани ўрганиши, ўргангандарини қай тариқа идрок этишини ўқитувчи билиш керак. Шунинг учун ўқитувчининг синфдан ташқари ўқишига раҳбарлик қилиши яхши китобларни тарғиб қилиши, ўқувчиларда ўқиган, ўргангандарини тўғри, чуқур идрок этишига, ривожланишига ёрдам беради. Индивидуал топшириқларни бажаришда ҳар бир ўқувчининг имконияти ва қизиқиши ҳисобга олинса, ўқувчилардаги қобилиятлар ҳамда истеъодларни ўсишига ёрдам беради.

Тўгарак машғулотлар асосан фаол ўқувчилар билан бирга олиб борилади. Айрим вақтда паст ўзлаштирувчи ўқувчилар ҳам тўгаракка қатнаши ҳохишини билдирадилар бундай вақтда ўқитувчи бунга қаршилик билдирамаслиги керак ва ўқитувчи бундай вақтда уларнинг қизиқишини ўсишига ҳаракат қилиш керак,

уларга тұғаракда бўлиш учун шароит яратиши керак. Паст ўзлаштирувчи ўқувчилар тұғарап ишларини юритишида албатта қийинчиликлар бўлади. Фан тұғаракларини ташкил этишда, ўқувчиларнинг қизиқишилари, синф машғулотларини давоми эмас эканлигини кўрсатиш, қилинадиган ишлар ва уларнинг мақсадини аниқ кўрсатишдан иборат.

Тұғарак машғулотларида ишнинг асосий мазмуни ўқувчиларни олиб бориладиган ишлар билан таништириш ва тұғаракка бошчилик қилувчини сайлашдан, улар билан тұғаракнинг ҳуқуқ ва бурчлари, иш режасини ишлаб чиқилади. Тұғарак ҳафтада бир марта ўтказиш зарурлиги ва ҳар бир машғулотга 1 соат ажратиш керак. Фан тұғаракларининг ишини ташкил этишни ўқувчиларнинг ўзи амалга оширадилар. Улар ўрганаётган мавзу бўйича барча ахборотларни излаб топиши, маълумотлар йиғиши, моделлар ва расмлар тайёрлаш фан тұғарак машғулотида ўқитувчи эркин мухит, эркин мулоқотни ташкил этиши, шу билан биргаликда ўқувчиларда фаол фикр алмашиш имконини яратиши керак. Синфдан ташқари машғулотларнинг мавзулари турлича бўлади.

Синфдан ташқари мағулотларда ўқувчиларни мустақил ишлашига шароит яратилади, улар турли масалаларни ечишда, рефаратлар тайёрлашда, баҳс-мунозаралар юритишида, дарсликлар ва адабиётлардан фойдаланишда ахборотлар билан ишлаш компетентлиги шакллантирилади.

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан синфдан ташқари машғулотларни ташкил этишни кўриб чиқишимиз мумкин. Синфдан ташқари машғулотларни ўтказишни 2 қисмга ажратиш мумкин:

1-қисмида ахборотларни ўзлаштиришга қаратилади, яъни назарий ҳамда амалий характерга эга бўлган мустақил ишларга бағищланади. Бу қисмда дарс тугаши билан ўқувчиларга назарий маълумотларни ўрганиш бўйича вазифалар берилади ва ўқувчилар мавзу доирасидаги ахборотларни қўшимча адабиётлардан, дарсликлардан, интернетдан излаб топишади.

2-қисмида эса мураккаб ёки қизиқарли топшириқларни бажаришга қаратилади. Бу қисмдаги машғулотлар мактабдаги оддий үқитиш формасидан интерфаол үқитиш методига ўтиш учун қурайлик яратади. Ахборот технологиялари дарсларида синфдан ташқари машғулотларни үтказишида асосан ўрганиш методикасидан ва муаммоли үқитиш методикасидан фойдаланилади.

Синфдан ташқари ишларни ташкил этиш ва үтказишида тарбиячининг энг муҳим вазифаси үқувчиларни үқув вазифаларини ҳал этишга ўргатишидан иборатдир. Бунинг учун ҳаракат усулларини тўғри танлашдан, ўз ҳатти – ҳаракатларига раҳбарлик фаолиятини назорат қилишдан, мустақил иш кўникмаларини бошқа муҳим ҳаётий вазиятларга үтказишидан келиб чиқишидан иборат эканлигини назарда тутиш лозим. Умуман, синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар үқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларнинг дунёқараси тўғри шаклланишига ва ахлоқий камол топишига кўмаклашади.

АДАБИЁТЛАР: (REFERENCES)

1. Математикадан тўгарак машгулотлари ва уни үтказиш методикаси.
Артухметова Мукаддас Ходмиатовна
2. Р.Мавлонова, Б.Нормуродова “Тарбиявий ишлар методикаси” Ўқув қўлланма. Т., 2010 йил
3. . Р.Мавлонова, О.Тўраева, К.Холиқбердиев. «Педагогика»Т., «Ўқитувчи» 2002 йил.
4. <https://uzsmart.uz/library/view/39888.html>